**МУСТАҚИЛЛИК ЗИЁСИДАН НУР ЭМГАН ШАҲАР** 2-бет

**МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИДАГИ ИБРАТЛИ ИШЛАР** 3-бет

**ПОЙТАХТ БОҒЛАРИНИНГ БУГУНГИ КЎРИНИШИ** 4-5-бетлар

**ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ** 8-бет

ДУШАНБА



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 93 (10.146) / 2004 ЙИЛ 17 МАЙ

**ПОЙТАХТНИНГ бир куни**
**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **«ТОШКЕНТ** Дон қабул қилиш» ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган ўқув курсларининг якуний босқичи Ҳамза туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** политехника касб-ҳунар коллежида ташкил этилган тадбир «Огоҳлик — муқаддас бурч» деб номланди.

● **«БУНЁДКОР»** ёшлар телеклуби, Миробод туман ҳокимлиги ҳамкорликларида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Истиқлол ва давлат тили муаммолари» мавзуида ўтказилган анжуманда шаҳримиздаги олий ўқув юртларининг тилшунос олимлари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида ҳуқуқшунослик бўйича талабалар ўртасида фан олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда Республика Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Тошкент Давлат юридик институтининг олти нафар талабалари ғолиб деб топилди.

● **«COSCOM»** ўзбек-америка қўшма корхонаси ўз мижозларига «Реал» деб номланган янги хизмат турини таклиф этди.

● **БАДИИЙ** академиянинг Марказий кўргазмалар залида рассом Абдували Мўминов асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА

**Олий Мажлисда олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов ҳақидаги қонунларни тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**



Тадбир Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари ҳамкорлигида ўтказилди. Унда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди.

Шу йил охирида юртимизда илк бор икки палатали парламентга, шунингдек давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтади. Сиёсий ҳаётимиздаги ғоят муҳим бу жараённи ҳаққоний, холис ва атрофлича ёритиш журналистлардан ўз масъулиятини янада оширишни талаб этади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари сайлов тўғрисидаги қонунларга киритилган ўзгартишлар ҳамда уларнинг мазмун моҳияти, аҳамияти, сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ва Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ёритишда фаол, холис ва қатъиятли бўлиши даркор.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб қилиш бўйича тадбирлар дастури маъқулланди.

**ЎзА**

***Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш мақсадида мамлакатимизнинг Истиқлол йилларида эришган ютуқларини, ватанпарварлик, миллий истиқлол мафкураси, миллий қадриятларимизни, меҳр ва мурувват, тинчлик ва осойишталик, халқимиз бунёдкорлигини тараннум этувчи, ижодий ғоялар ранг-баранг, бадиий жиҳатдан мукаммал бўлган дастурларни танлаш мақсадида 2004 йил 15 майдан 15 июлга қадар қуйидаги йўналишлар бўйича республика очиқ танловини эълон қилади.***

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

1. Мустақиллик байрамининг бадиий-сиёсий ғоялари учун.
2. Пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун.
3. Бадиий академия билан биргаликда байрам томошасининг энг яхши сценографияси (бадиий безаги) учун.
4. Энг яхши миллий мусиқа асарлари учун.
5. Энг яхши замонавий эстрада қўшиқлари учун.
6. Вилоятларнинг энг мукаммал бадиий дастурлари учун.
7. «Меҳр ва мурувват йили» мавзусидаги дастурлари учун.

Танлов шартлари:

Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари кўрсатилган йўналишлар бўйича якка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибида танловда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матнларида Мустақиллик байрамининг моҳияти — миллий қадриятларимиз, тинчлик - осойишталик, тарихий-ижтимоий жараёндаги туб ўзгаришлар саҳнавий кўринишларини байрамона кўтаринки руҳда ифода этишлари, Мустақиллик туфайли республикада рўй бераётган ўзгаришларни, ислоҳотларни, янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда ифода этишлари ҳамда уларда пойтахтимизнинг байрам ўтказиладиган Мустақиллик майдонини, Тошкент шаҳри майдонлари ва сайилгоҳларини ҳисобга олишлари шарт.

Бадиий дастурлар қўлёзмалари тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Байрам бадиий дастурлари бир ярим соатга мўлжалланиши ва компьютерда ёки машинкада 3 нусхада кўчирилган бўлиб, ҳажми 30-40 саҳифадан ошмаслиги лозим.

Ғолиблар ҳайъат аъзоларининг очиқ йиғилишида овоз берувчиларнинг учдан икки қисми ёқлаши орқали белгиланадилар.

Танлов ғолиблари қуйидаги тартибда тақдирланадилар:

Ижодий гуруҳлар учун:
I мукофот — 300000 (уч юз минг) сўм
II мукофот — 200000 (икки юз минг) сўм
III мукофот — 100000 (юз минг) сўм

Якка тартибда иштирок этганлар учун:
I мукофот — 100000 (юз минг) сўм
II мукофот — 75000 (етмиш беш минг) сўм
III мукофот — 50000 (эллик минг) сўм

Биринчи мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.

**Мурожаат учун манзил: 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.**

Маданият ишлари вазирлиги, 1-қават, «Мустақиллик байрами танлови»га деб кўрсатилиши лозим. **Тел: 144-63-73**

**Ташкилий қўмита.**

**ХХI аср садоси**
**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● **Олий Мажлисда парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида тайёрланган «Инсон ҳуқуқлари мониторинги» тўпламининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

● **Тошкентдаги таъмиршунослик илмий-текшириш институтида «Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги тарихий меросни сақлашни такомиллаштириш» дастури доирасида Япония ҳукумати тақдим этган техник воситалар қабул қилиб олинди.**

● **Бугун Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Семурғ» оромгоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг III анжумани бошланади. Анжуман 21 майга қадар давом этади.**

● **Улуғнор туманининг Ҳайдаробод қишлоғида «Бунёдкор» фирмаси томонидан 240 ўринли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 40 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.**

### Жаҳонда

● **Вашингтонда катта саккизликка аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ироқ ва Афғонистондаги аҳвол муҳокама қилинди.**

● **Ҳиндистонда 4 босқичда бўлиб ўтган парламент сайловларида мухолифатдаги «Ҳиндистон Миллий конгресси» партияси ғалаба қозониб 272 ўринни қўлга киритди.**

● **Парранда гриппи Канаданинг Британия Колумбияси музофоти ва Таиланддаги бир нечта паррандачилик фермаларида тарқалаётганлиги қайд этилди. Оқибатда Канададаги бир нечта паррандачилик фабрикалари ўз фаолиятини тўхтатди.**

● **Швеция парламенти мамлакатдаги барча ресторан ва барларда чекишни ман этувчи қонун лойиҳасини маъқуллади. Бироқ ресторан ва кафелар уюшмаси мазкур қонуннинг кучга киритилишига қатъий норозилик билдирмоқда.**

## ПОЙТАХТ БОҒЛАРИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

***«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг шаҳримиз маданият ва истироҳат боғларининг янги мавсумга қандай тайёргарлик кўрганлиги юзасидан ўтказган кузатуви***



Боғлар шаҳар яшил камарининг асосий таркибини ташкил этади ва шу орқали уларнинг вазифалари аниқ белгиланган: мавсум даврида — апрель ойидан бошлаб то сентябрь-октябрларгача боғлар меҳнаткашларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариш манзилига айланади. Бу ерга шаҳар аҳолисининг кўпчилиги меҳнат кунидан сўнг, шанба-якшанба кунлари дам олиш учун келади. Кейинги йилларда шаҳар шароитида ташкил қилинган сўлим гўшаларнинг имкониятлари анча кенгайган десак адашмаймиз. Боғларда умумхалқ ва касб байрамлари муносабати билан сайиллар уюштирилиши, тантанали кечалар, бошқа маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ташкил этилиши анъанага айланиб бормоқда. Ва шу ўринда таъкидлаш жоизки, байрам кунлари боғларимиз ўзгача чирой очиб, ўз бағрига янада кўпроқ одамларни чорлайди, ўйин-кулги, куй-қўшиқ, рақслар кечгача давом этади.

Лекин буларнинг ҳаммаси истироҳат боғларига берилган умумий тавсиф. Аслидачи? Ҳар бир боғнинг имкониятлари қандай? Нима учун айрим боғлар аҳолининг севимли гўшаси бўлса, бошқалари — буни яширишга ўрин йўқ — амалий фаолият юритмайди, яъни баъзи раҳбарлар сўзи билан айтадиган бўлсак, уларнинг мавжудлиги тайин, лекин истиқболи сезилмайди.

Бугунги кунда пойтахтимизда шаҳар Маданият бош бошқармаси тасарруфида 12 та маданият ва истироҳат боғи фаолият юритади. Ҳар бирига профилактик тарзда ободонлаштириш ишларини ўтказиш ва тор доирадаги ишчиларга ойлик маош тўлаш учун бюджетдан қисман дотация ажратиб турилади. Барча солиқ, коммунал хизматлари тўловлари боғларнинг хўжалик ҳисобидаги фаолиятидан қопланади. Тошкентда хусусий боғлар йўқ, фақат битта «Тошкентленд» боғи Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига қарашлидир.

Давоми 4-5-бетларда.

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Филиппинда бўлиб ўтган Президент сайловининг дастлабки натижаларига кўра, давлатнинг амалдаги раҳбари Глория Магапагал Арройо хоним рақиб номзод — машҳур киноактёр Фернандо Подан ўзиб кетган, дейилади «Филиппинз дейли инкуайрер» газетаси ахборотида. Сингапурнинг «Стрейтс таймс» газетаси берган маълумотларга қараганда Арройо рақибидан 12 фоиз кўп овоз олган. Кузатувчиларнинг фикрича маҳаллий органлар учун сайловларда Арройо етакчилигидаги «Лапас» партияси ғалаба қозониши мумкин.

● Чеченистон Республикаси сайлов комиссияси раиси Абдул-Карим Арсахоновнинг маълум қилишича, республика конституциясига кўра президент ваколати муддатидан аввал тугаса, узоғи билан 120 кундан сўнг президент сайлови ўтказилиши лозим. Демак, бу муддат сентябрнинг биринчи якшанбасига тўғри келади.

● Германиянинг Шенефельд аэропортида ILA-2004 аэрокосмик кўргазмаси очилди. Кўргазмада фуқаро авиациясининг янги моделлари — юк ташувчи, ҳарбий, шахсий ҳамда спорт самолёт ва вертолётлари намойиш этилмоқда. Шунингдек, космик технологиялар, яъни турли мақсадларда ишлатилувчи сунъий йўлдошларга ҳам кўргазмада катта ўрин ажратилган.

● Мексика ҳарбий ҳаво кучлари мамлакат осмонида учиб юрган 11 та номаълум учар объектлар туширилган 15 дақиқалик видеотасмани намойиш этишди. Видеотасмада милтиллаб, тезлик билан ҳаракатланаётган объектлар суратга олинган. Кадр ортидан эса ҳарбий самолёт учувчиларининг: «Биз ёлғиз эмасмиз. Бу жуда қизиқ», деган овозлари эшитилади. Учувчилар бу объектларни 3,5 километр баландликда кўришган. Аммо улар қирувчи самолётларда таъқиб қилинганда ғойиб бўлишган.

● Венесуэла полицияси яқинда мамлакатда давлат тўнтариши уюштирмоқчи бўлган шахсларни ҳибсга олиш учун кенг кўламли амалиётлар ўтказаётир. Бундан бир мунча вақт илгари Каракаснинг жанубий қисмида жойлашган уйлардан бирида 88 нафар жангари қўлга олинган эди. Ҳозирги амалиётлар давомида полициячилар жиноятга даҳлдор яна 12 кишини ушлашди.

● Тибилиси юқумли касалликлар шифохонасига куйдирги касаллигига мубтало бўлган 8 нафар киши келтирилди. Грузия соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазири Ладо Чипашвилининг маълум қилишича, улар зарарланган мол гўштини истеъмол қилишлари натижасида ушбу хасталикни юқтиришган. Шунингдек, вазир касаллик тарқалган жой аниқланиб, зарур чоралар кўрилаётганини ҳам билдирди.

*Эски шаҳар ёшаради*

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

***Она Ватанимиз пойтахти, Ўзбекистоннинг бош шаҳри азим Тошкентимиз жамолидан бугун барчанинг кўзи қувнайди. XXI асрга янги қиёфа билан кириб келган пойтахтимизнинг таърифига сўз ожиз. Президентимиз таъбири билан айтадиган бўлсак, «Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серқуёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватан остонасидир». Ана шу Ватан остонасининг, муаззам шаҳримизнинг чирой очиши кўнгилларимизга ҳам гўзаллик бағишлаши, шубҳасиз.***



Шаҳримизнинг барча ҳудудларида мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг асл мақсади аҳоли фаровонлигини ошириш, эл-юрт ободлигини таъминлаш, Тошкентни жаҳон андозалари даражасидаги шаҳарлардан асло қолишмайдиган масканга айлантиришдир. Ахир бежизга Ватан ободлиги — олий саодат деб айтмаймиз-да. Тошкентимизнинг юраги саналмиш — Эски шаҳар қисмидаги мислсиз бунёдкорлик ишлари ҳам Мустақиллик шарофатидандир.

Эътироф этиш ўринлики, тор ва боши берк кўчалар, пастқам ва кўримсиз уйлардан иборат Эски шаҳар бугунги кунда таниб бўлмас даражада ўзгармоқда, обод бўлмоқда. Кейинги йилларда янги қиёфа касб этган Сағбон, Қорасарой, Форобий, Зарқайнар кўчаларининг жамоли, бу ерлардаги бунёдкорлик ва ободончилик ишлари кишини қувонтиради. Шуниси аҳамиятлики, Мустақиллик йилларининг илк davridanoқ ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз Эски шаҳарни яшнатиш ва яшартиришга алоҳида эътибор қаратди. Эски шаҳарни қайта қуриш, обод этишда лойиҳачилар олдига унинг файзи ва ўзига хос тароватини сақлаб қолиниши бош вазифа этиб қўйилди.

Барча ҳудудлар қаторида, айниқса Собир Раҳимов туманида, хусусан Эски шаҳар қисмида кенг кўламдаги қурилиш-тиклаш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари жадал суръатларда давом эттирилиб, замонавий бинолар, спорт иншоотлари, маҳалла гузарлари, равон йўллар барпо этилди ва этилмоқда. Уларнинг барчаси ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли фаровонлиги йўлидадир.

Айни кунларда Эски шаҳарни янада обод этиш, ҳудудда яшовчиларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, ёшларга яхши билим олиш имкониятларини туғдириш, бўш вақтларини намунали ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, йигит-қизларга қўшимча ишчи ўринлари яратиш, савдо ва коммунал хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида бунёдкорлик ҳар қачонгидан ҳам авжига чиққан. Бу, албатта республика раҳбариятининг Эски шаҳарликларга навбатдаги ғамхўрлиги намунасидир.

Бугун Эски шаҳарда жойлашган маҳаллаларни кезсангиз, қизғин меҳнат жараёнининг гувоҳи бўласиз. Қуриш, яратиш, яшнатиш иштиёқини дилларига жо қилган бунёдкорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Негаки уларнинг зиммасига масъулиятли вазифа юкланган. Ана шундай вазифалар сирасига Форобий кўчасида 45 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган оилавий шифохона, Муҳокама кўчасидаги 88-болалар боғчаси ўрнида янги кичкинтойлар маскани, Сағбон кўчасидаги 139-мактаб ҳовлиси ва унинг атрофидаги майдонда замонавий спорт комплекси, «Ачаобод» маҳалласида 200 та ишчи ўрнига эга бўлган тикув цехи, замонавий маҳалла идораси ва милиция таянч пункти, «Салоҳиятли ёшларни интеллектуал ривожлантириш маркази», «Истиқлол» маҳалласида 20-болалар боғчаси, 4-поликлиника биносини қайта қуриш асосида 60 ўринли болалар боғчаси ва бошқа иншоотлар қурилиши киради. Ушбу бунёдкорлик ишларини муваффақиятли ва сифатли амалга оширишда «12-трест», «159-трест», «Сифат» ҳиссадорлик жамиятлари, «Бунёдкор-қурувчи» қурилиш ташкилотининг қўли гул қурувчилари фаоллик кўрсатишмоқда. Жорий йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган ушбу объектларда ишлар авжида.

Нафақат Эски шаҳар, балки туман миқёсида улкан ишларни бажариш учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосий эътибор аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириш, уларга маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, касалхона ва поликлиникалар, мактаб ва болалар боғчалари, маҳалла гузарларининг аҳволини талаблар даражасига келтириш, яшовчиларнинг ижтимоий муҳофазасига етарли эътибор беришга қаратилган. Буни эса туманда яқин кунларда адо этилган ишлар кўламидан яққол сезса бўлади. Ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга катта аҳамият берилиб, 16 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари, 234 минг тупга яқин гул кўчатлари экиб, парваришланмоқда. 43938 квадрат метр йўл ва йўлкаларга асфальт ётқизилиб, 50104 погон метр ирригация шохобчалари тозаланди. 9 та мактаб, 15 та болалар боғчаси, 3 та мурувват уйи, 4 та оилавий шифохонада жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Мавжуд спорт майдончалари қайта таъмирланиши билан бирга 15 та янги спорт майдончаси қурилаётгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиши баробарида, ўғил-қизларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишларида катта қулайлик яратади. Маҳаллалар чирой очиши, у ердаги хонадонларга эътибор, кўп қаватли уйларда намунали шароит яратиш ишлари ҳам режа асосида давом этмоқда.



Президентимиз бежизга «Ободлик кўнгилдан бошланади», деб таъкидламаганлар. Зеро туманда олиб борилаётган ишлар, Эски шаҳарнинг ободлиги ва яшариб бораётгани у ерда истиқомат қилаётган аҳоли қалбида ғурур уйғотса, улар ана шу қалб даъвати, дилларидаги иштиёқ билан хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишса, албатта, кўзланган мақсадга эришилади. Ватан остонадан бошланишини ҳар ким, ҳар бир ишда ёдида тутса, ана шунда она-юрти, муқаддас тупроққа садоқат намоён бўлади. Эски шаҳар яшнаб, яшарар экан, бу ерда яшовчиларнинг ҳам кўнгли қувнаши, меҳрлари унга юз чандон ортавериши, шубҳасиз.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: Эски шаҳарда давом этаётган бунёдкорлик ишларидан лавҳалар: пайвандчи Алексей Крупонкин; «12-трест» ҳиссадорлик жамияти 65-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари — ишбоши Баҳодир Акбаров, монтажчи Атҳам Бегматов ва бригадир Карим Ҳамидов.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Анжуманлар*

# САЙЛОВ КАМПАНИЯСИДА АЁЛ ОМИЛИ

***Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида етакчи аёллар, Олий Мажлис депутатлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта партиянинг аёллар қаноти вакиллари иштирокида «Сайлов кампаниясида аёллар омили» мавзуида республика миқёсидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. У «Парламентаризм ва сайлов тизими муаммолари» лойиҳаси доирасида ташкил этилди.***

Тадбирда Республика Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳ:ам иштирок этишди. Ушбу давра суҳбатини ўтказишдан мақсад эса сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси пайтида ва сайловларда аёлларнинг иштирокини фаоллаштириш соҳасидаги тажрибасини тарғиб қилиш ва оммалаштириш, аҳолининг турли қатламлари сиёсий фаоллигини кенгайтириш истиқболларини аниқлашдан иборат эди.

Мавзу бўйича сўзга чиққан Олий Мажлис депутати М.Сафоева — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Олий Мажлис комиссияси раиси Ш.Салимова— «Миллий тикланиш» демократик партияси, Олий Мажлис депутати Д.Тошмуҳамедова— «Адолат» социал-демократик партияси, Олий Мажлис қўмитаси котиби Ш.Умарова — «Фидокорлар» Миллий демократик партияси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати М.Акромова —Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, олиб бораётган ишлари, шунингдек парламент ислоҳотлари ва икки палатали парламент фаолиятининг ўзига хослиги, учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларнинг хусусиятлари, сайлов кампаниясига аёлларни жалб қилиш каби масалаларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Маърузачилар шунингдек шаҳар ва қишлоқ туманларидаги сайлов штаблари фаолиятининг ўзига хос хусусияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги фаол аёллар ўртасида олиб бориладиган ишлар ҳақида, ижтимоий муаммоларга, аҳолининг кам таъминланган қатлами ва аёллар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, кичик бизнесни ривожлантириш масалаларига йиғилганлар эътиборини қаратдилар.

Шунингдек, Республика Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Хўжаева «Сайлов қонунчилиги ва аёллар ҳуқуқлари» мавзуида сўз юритиб, сайловолди кампаниясидаги ахлоқий меъёрлар ва унда иштирок этиш қоидалари, етакчи аёллар фаолиятининг ташкилий-техник ва ахборот-реклама шарт-шароитларини яратиш масалалари, сайлов кампаниясини ўтказиш вақтидаги кенг тарқалган хатоликлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтди.

Қатнашчилар учун ҳар томонлама фойдали ушбу давра суҳбати савол-жавоблар, қизиқарли баҳс-мунозараларга бой тарзда бўлиб ўтди. Бундай учрашувларнинг наинки сайловолди кунларида, балки ҳамма вақт ўтказилиб турилиши эса жамиятда аёллар фаоллигини оширишда яхши натижаларни беради деб ўйлаймиз.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

*Санъат*

## «МАҚОМОТ» КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

***Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Отаназар Матёқубов қаламига мансуб «Мақомот» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Кечада Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маҳмуджон Тожибоев, Фарҳод Давлетов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раҳматжон Қурбонов, Ўлмас Расуловлар ижросида «Сегоҳ», «Насри ажам», «Суворий»лар ижро этилди.

Тожикистондан ташриф буюрган бир гуруҳ мақом усталари эса «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Рост», «Ушшоқи Кўқон», «Ёримо» каби қўшиқларни қойиллатиб ижро этган ҳолда йиғилганлар қалбига ором бағишлашди.

## ФЕСТИВАЛЬ БОШЛАНДИ

***Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси Франция, Исроил ҳамда Германия элчихоналари кўмагида Ўзбекистон Ёшлари Театрида «Ҳумо» IV халқаро Ёшлар Театрлари, мусиқа ва рақс фестивали очилди.***

Фестиваль 27 майгача давом этади. Мазкур анжуманда Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг «Дала сайли», «Янги авлод» театрининг (Дрезден, Германия)нинг «Аллергия-Фрида Калонинг номаълум портрети», Араб ва яҳудийларнинг Яффо театрининг «Ах, ах бум трах», Ўзбекистон Ёшлари театрининг «От қиссаси», «Янги эссейон» (Франция) театрининг Назм ва қўшиқлар кабареси спектакли концерт дастурлари намойиш этилади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## ГРАН ПРИ СОВРИНДОРИ

***Яқинда Парижда М.Рубинштейн номидаги халқаро фортепиано ижрочилари танлови бўлиб ўтди.***

Бу танловда 50 та давлатдан моҳир пианиночилар иштирок этишди. Шу жумладан Ўзбекистондан ҳам Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежининг 3-босқич талабаси Элеонора Катлибулатова халқаро танловда ўз санъатини намойиш этиб, ушбу нуфузли ижод кўригининг мутлоқ ғолиби сифатида Гран прини қўлга киритишга муяссар бўлди.

**Гуларо АБДУЛЛАЕВА**



*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ УЛУҒЛАНДИ

***Жорий йилимизнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши боис юртимизда ибратли, савобли юмушлар тобора кўпроқ амалга оширилмоқда. Айниқса буюк қадриятларимиз ўчоғи бўлмиш маҳаллаларимизда хайрия тадбирлари, учрашувлар, анжуманлар, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорликни улуғловчи чиройли байрам кечалари бўлиб ўтмоқда.***

Куни кеча ана шундай ибратли тадбирлардан бири Мирobод туманидаги «Сарикўл» маҳалласида бўлиб ўтди. Ўн беш миллатдан ортиқ аҳоли бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган, тинчлик-хотиржамликда иш юритаётган ушбу сўлим масканда 31 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, 20 нафардан ортиқ 80 ёшдан ошган кекса-нуронийлар, кам таъминланган ва якка, ёлғиз, ёрдамга муҳтож оилалар Меҳр ва мурувват йили, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан бир пиёла чойга таклиф этилди. 10 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ҳам ушбу кечада ўтказилди.

— Маҳалламизда 7.311 нафар турли миллат вакиллари истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қудратилла Рустамов. — Ҳудудимизнинг тинчлиги-осойишталигини сақлаш, кам таъминланган, якка, ёлғиз кишиларга имкон қадар моддий ва маънавий кўмак беришга ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Бугунги тадбиримиздан ҳам қатор мақсадларни кўзлаганмиз. Ниятимиз маҳалладошлар кўнглини кўтариш, саховатпеша инсонлар ёрдамида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекона карнай-сурнай наволари янграб барчани ушбу байрам тадбирига чорлаган даврада нуронийларга совға-саломлар берилди, тўй болаларга эса саруполар кийдирилди.

Байрамда иштирок этаётган япониялик меҳмон, археолог, юрист, Ўзбекистонда маҳалла тизимини ўрганиш ва унинг меҳр-оқибат кўрсатиш каби энг яхши жиҳатларини ўз юртида ҳам татбиқ этишни ният қилган Кобики Масао ўз ҳайратини ифодалаб шундай деди: «Ўзбекистондаги энг ноёб тизим — ўзбек маҳаллаларига фақат ҳавас билан боқиш керак. Чунки ҳеч қаерда бундай меҳр-оқибат, бир-бирини қўллаш, ёрдам бериш каби хислатлар жамланган масканлар йўқ. Мен юртимга жуда катта таассуротлар билан қайтаман, дўстлик, биродарликни улуғлаган ушбу тизимнинг янада ривожланишини тилайман».



— Азиз маҳалладошлар, пирубадавлат, табаррук кексалар — деди тадбирда сўз олган маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раисаси Хурсаной Авазова. — Байрамингиз муборак бўлсин. Ҳамиша соғ-омон, ёшларимизга ибрат бўлиб, панду-насиҳатингиз билан уларни эзгу ишларга бошлаб юраверинг. Юртимиз тинч бўлсин, тадбирларимизнинг мана шундай чиройли ўтишига бегаразмин-нат ҳисса қўшаётган барча саxий қалб, тадбиркор инсонларимизнинг ҳамиша омадлари кулсин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдикки, ушбу файзли, шоду хуррамлик уфуриб турган байрам кечасида ёшу-қари, болаю катта юракдан мазза қилди. «Амир» гуруҳи бошчилигидаги санъаткорлар ижросида янграган шўх ашулаю куйлар кўнгилларга ором, хаста дилларга дармон бағишлади. Совға-салом, эътибор ва саховатдан меҳрга ташна инсонларнинг ҳеч бири четда қолмади. Сўлим ва ораста маскан, меҳр-оқибатнинг беминнат нурлари ёғилиб турган даврадан «бор бўлсин, оқибат, ўзбегимнинг удуми» деган ўй, кўнгилда бир олам таассуротлар билан кетдик.

Назаримизда нуроний, табаррук инсонларнинг миннатдор нигоҳлари, саруполар ярашган тўй болаларнинг қувончдан чақнаб турган кўзлари барча-барчани яхшилик қилишга чақираётгандек туюлди.

**Шаҳноза МАҲМУДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Сарикўл» маҳалласида бўлиб ўтган меҳр-мурувват тадбиридан лавҳалар.**

*Ўзбекистонда тайёрланган*

## СИФАТИ ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

***«Шайхонтоҳур» туманидаги «Камол топ» хусусий фирмаси тадбиркорлари мана бир неча йилларки, ички бозорни таъминлаш баробарида «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи билан тикувчилик маҳсулотларини хорижий давлатларга ҳам экспорт қилмоқда.***

1996 йилдан хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритаётган Шоира Мусаева ишни биринчи навбатда ички бозоримизда харидоргир бўлган трикотаж матосидан спорт кийимларини ишлаб чиқаришдан бошлаганди. Тадбиркорга шу соҳани мукаммал эгаллаган оила аъзолари яқиндан ёрдам беришди.



— Асосий мақсадимиз, — дейди «Камол топ» фирмаси директори Шоира Мусаева, — четдан келаётган трикотаж кийимларининг миқдорини камайтириш, рақобатбардош маҳсулотларимиз билан ички бозоримизни тўлдириш ва товарларимиз экспортини йўлга қўйиш эди. Бунинг учун эса бизда ҳамма шарт-шароитлар етарли.

Бу орада бугуннинг талабини тўғри тушунган тадбиркор замонавий дастгоҳларда ишлашга, сифатли трикотаж матолардан маҳсулотлар бичишдан тортиб, тайёрлашгача бўлган мураккаб жараёнларни мукаммал ўрганишга эътибор қаратди. Фирма учун Жанубий Корея давлатидан энг замонавий ускуналар келтириб, маҳаллий ёшларни ишга жалб этди.

Изланишлар самара бериб, иқлим шароитимизга жуда мос, 100 фоиз пахтадан тайёрланган фирма маҳсулотлари ички бозоримизда ўз ўрнини эгаллай бошлади. Айниқса маҳаллий трикотаж матосидан тайёрланаётган «Шарқ» товар белгили сифатли спорт кийимлари мижозларни мамнун эта бошлади.

Эътиборли томони, эркак, аёл ва болалар учун мўлжалланган бу кийимлар сифати, ранг-баранглиги, экологик тоза матодан тикилганлиги ҳамда асосийси, хорижникидан 50 фоиз арзонлиги билан ажралиб туради.

2002 йилда Ўзбекистонда фаолият юритаётган Германия давлатининг элчихонаси ҳомийлигида хусусий корхона ўз маҳсулотлари билан Россия пойтахти Москвада ўтказилган енгил саноат соҳасида яратилган энг яхши маҳсулотлар намойишига бағишланган савдо-кўргазмада иштирок этиб, унда ўзининг кўплаб маҳсулотларини намойиш этди ва бир нечта шартномалар тузилди. «Аловиддин» савдо белгиси билан болалар учун маҳсулотлар Москвадаги «Болалар дунёси» савдо марказига етказиб берилди.

2003 йилда «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси ташаббуси билан спорт



кийимлари савдо-кўргазмаси ўтказилди. Унда корхона жамоаси 2003 йил учун 150 миллион сўмлик шартнома тузишга муваффақ бўлди. Мазкур корхона тадбиркорлари уста дизайнчилар кўмагида 28 турдаги бир-бирини такрорламайдиган спорт кийимларини Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларидаги савдо марказларига етказиб бердилар. Улар учун юртимиздаги енгил саноат тизимида фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг сифатли матоларидан унумли фойдаланилмоқда.

Шу кунларда туркиялик мижозлар билан янги буюртмага шартнома тузиш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Шунингдек, корхона жамоаси янги маҳсулот турлари устида ишлаб, уларга харидор топиш мақсадларида савдо-кўргазмаларда фаол қатнашадилар.

Янгиликка интилиш, ташаббускорлик, изланувчанлик бор жойдагина харидоргир маҳсулотлар яратилади. Экспортбоп кийимларнинг узоқ хорижликларга маъқул бўлаётгани эса хусусий фирма жамоаси тўғри йўлни топганини кўрсатади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «Камол топ» хусусий фирмаси жамоасининг меҳнат жараёнидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Бойликнинг умри боқий бўлмайди. У гўёки сувли чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзингни очиб юмгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

**Эшитдимки, жамшид — соҳиби олам,**
**Чашмадаги тошга ўтириб шу дам,**
**Деди: «Кимлар бунда ўтирган шодон,**
**Аммо, кўз очмайин бўлгандир вайрон»!**

● Барзу ал Ҳаким айтади:

— Беш киши, беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тотади. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва балога мубтало бўлади, учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан ғофил бўлади ва зиён кўради. Тўртинчиси, ҳаёли, поқдамон хотинни қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

● Яна Барзу ал Ҳаким сўзлади:

— Бир неча нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобеъдир.

Масалан, мурувват ақлга, рой ва тадбир тажрибага, яқинлик муҳаббатга.

● Бир ҳакимнинг ўз ўғлига насиҳат қилганлари:

— Эй ўғлим, қилаётган ишинг кичкинагина гуноҳ бўлса ҳам уни ҳеч қачон кичик деб санама. Одамларга яхшилик қилишнинг толиби бўл, ундан сенга яхши фойдалар етади. Кучинг борлиги учун душманни ҳадеб эзаверма, пайт пойлаб, жонидан тўйгач, сени ҳалок этиши мумкин. Одамнинг ёлғончи эканлигини билиб туриб, айтган гапида жон бордир деб ўйлаб, унинг гапига қараб иш тутма! Шубҳали ва гумонли ишларга қўл урма, сўровчини ноумид ҳолда қайтарма! Ўзингга ёқмаган нарсаларни бировга раво кўрма. Бировга қилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик куни келиб ўзингга қайтишини эсдан чиқарма!

● Уч киши оғир азоб тортишга сазовордир. Биринчиси, бегуноҳ кишига ноҳақ ситам қилган киши. Иккинчиси, таклиф этилмаса ҳам ўтиришда тўрга чиқишга интилган киши. Учинчиси, биров эшитишни истамаса ҳам, хўрлаб гапирган киши!

● Икки тоифа киши борки, бирор нарсани орзу қилади, аммо бунга етиша олмайди. Биринчиси, гуноҳ қилиб қўйиб, азобдан қутулмоқчи бўлган киши. Иккинчиси, ўз бойлиги билан дунёда ҳаловат топмоқчи бўлган бадавлат киши!

Ўзбекистон ва жаҳон

# БОКУДА ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ

***Бокудаги Р.Бейбутов номли академик театрда Шарқнинг буюк шоирлари ва мутафаккирлари Алишер Навоий ва Муҳаммад Фузулий ҳаёти ва ижодига бағишланган шеърият кечаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Озарбойжон-Ўзбекистон дўстлик жамияти, Озорбойжон маданият жамғармаси ва Ўзбекистоннинг Бокудаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.***

Шеърият кечасида Озарбойжон парламенти депутатлари, ҳукумат аъзолари, зиёлилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Кечада сўзга чиққанлар шоирларнинг ҳаёти ва ижоди мисолида қардош халқлар ўртасидаги тарих, тил, маданият, урф-одатлар муштараклигига асосланган дўстлик анъаналари хусусида гапирдилар. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ҳукуматлараро муносабатларнинг юксак даражада эканлиги, Президент Илҳом Алиевнинг яқинда Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлик ривожига хизмат қилажаги қайд этилди. Ушбу ташриф чоғида Тошкентда Низомий Ганжавий ҳайкали ва Озарбойжон маданият марказининг очилиши Озарбойжон жамоатчилиги томонидан самимий кутиб олинди.

Кечада Ўзбекистон Маънавият ва маърифат маркази директорининг ўринбосари С.Олимов, таниқли озарбойжонлик адабиётчилар ва шоирлар Ж.Нагиева, Т.Керимли, А.Валиев, Ш.Фозил сўзга чиқишди.

Тадбир чоғида санъат усталари ва ижод мухлислари машҳур шоирларнинг шеърларидан ўқиб беришди. Шеърият базмига Тошкентдаги "Табассум" болалар ансамбли концерт дастури якун ясади.

**Москвада "Жиноятчилик ва терроризм билан кураш – жаҳон ҳамжамияти иши" шиори остида "Қонун ва жамият" мавзусидаги детектив фильмлар ва теледастурлар фестивали бўлиб ўтди. Анжуман танлов дастурига 30 та мамлакатнинг 90 дан ортиқ кино ва телекомпаниялари томонидан 150 га яқин фильм ва дастур тақдим этилди.**

# ЎЗБЕК ФИЛЬМИ – ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ЛАУРЕАТИ

Таниқли ёзувчи Аркадий Вайнер ва иқтидорли актёр Василий Ланов бошчилигидаги нуфузли ҳайъат ижодий маҳсулотлар баҳосига ўта талабчанлик билан муносабатда бўлди.

Қизғин рақобат руҳида ўтган фестивалда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги қошидаги "Санъат-Маъно" студияси томонидан суратга олинган "Қонли олишув" фильми юқори баҳоланди. Ҳайъат ўзбек киночиларининг асарини "Ҳаром пуллар" номинациясида ғолиб деб эълон қилди. Мазкур йўналишда тақдим этилган теледастур ва фильмларда молия ва банк тизимидаги жиноятчиликка қарши кураш, солиқ идоралари фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган.

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИ: ПЕТЕРБУРГДА ПРЕМЬЕРА

***Санкт-Петербург шаҳрида МДҲ ва Болтиқ мамлакатлари рус театрларининг "Россиядаги учрашувлар" олтинчи халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда учинчи маротаба Ўзбекистон Ёшлар театри жамоаси иштирок этди.***

Бундан аввал мамлакатимиз вакиллари Петербургда томошабинлар эътиборига Т.Зулфиқоровнинг "Созвездие Омара Хайяма" ва Л.Толстойнинг "Холстомер" спектаклларини ҳавола қилган ва бу Нева соҳилидаги шаҳар театр жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотган эди. Бу сафар режиссёр Наби Абдураҳмонов ҳамкасблари билан Карло Гоццининг "Принцесса Турондот" пьесасини тақдим этди.

Кўпчилик танқидчилар ва томошабинларнинг фикрича, Ўзбекистон Ёшлар театри спектакли фестивалда намойиш қилинган энг яхши асарлардан бири бўлди. Comedia dell arte услубида саҳналаштирилган мазкур асар томошабинларни ўзгача бир шодлик ва шўхлик муҳитига жалб қилиб, уларни саҳнада актёрлар билан бирга яшашга чорлайди.

- Кичкина бир сирни ошкор қилмоқчиман, - дейди Санкт-Петербург театр санъати давлат академияси профессори П.Романов. – Одатда фестивалъ учун спектакль танлаш жараёнида театрлардан ушбу асар суратга олинган видеотасмани талаб қиламиз. У комиссия томонидан кўриб чиқилади, муҳокама қилинади... Бироқ Ўзбекистон Ёшлар театри спектаклларини биз аввалдан кўриб чиқмасданоқ фестиваль дастурига киритамиз.

- Спектакль мени ўзига асир қилиб олди, ром этди. Уни бир нафасда томоша қилдим, - дея фикр билдирди эстониялик танқидчи Б.Тух.

Ёшлар театри бош режиссёри Наби Абдураҳмонов фестиваль якунларидан мамнун:

- "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми"га "Россиядаги учрашувлар" фестивалида иштирок этишда жамоамизга кўрсатган кўмаги учун миннатдорлик билдирамиз. Театримизни янги саҳналаштирилажак асарлар, янги нуфузли халқаро театр фестивалларида иштирок кутмоқда. Муҳими, биз миллий илдизларимизга таянган ҳолда Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бир хил қизиқиш билан кутиб олинадиган санъат асарлари яратишга ҳаракат қилаяпмиз.

Россия миллатлар давлат театри бадиий раҳбари С.Коробковнинг қуйидаги фикрлари ҳам мамлакатимиз вакилларининг санъатига берилган ўзига хос баҳо бўлди:

- Ўзбекистонда маданият соҳасига нисбатан шаклланган муносабат бизда катта қизиқиш уйғотиб келади. Мамлакатингизда турли маданиятлар, турли конфессиялар дўстлиги, уйғунлигини кўрамиз. Ўзбекистон Ёшлар театри эса ўзининг бадиий дастури ва бош режиссёр ғояларини амалга ошириш бўйича ноёб жамоадир.

# ЯПОНИЯДА ЎЗБЕК ИПАКЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ БИЛАН ТАНИШИШМОҚДА

***Японияниңг Гунма префектураси маркази — Маебаши шаҳрида халқаро ипакчилик кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Япония, Ўзбекистон, Хитой, Эрон, Сурия, Туркия, Ҳиндистон, Корея каби ўндан ортиқ давлатнинг ипак етиштириш борасидаги анъаналари ва замонавий технологиялар ҳақида маълумот берилди.***

"Nippon Silk Center" ("Япония ипак маркази") илмий-тадқиқот маркази мутахассисларининг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг ипакчилик соҳасидаги юқори мавқеи эътиборга олинган ҳолда мамлакатимизга кўргазма залларида алоҳида ўрин ажратилди. Экспонатлар орасида таниқли япон этнологи Тейко Като хоним ва Марказий Евроосиё клуби коллекцияларидан олинган ўзбек миллий либослари, "Ўзбек ипаги" уюшмаси томонидан тақдим этилган турли навдаги пилла намуналари ва ипак хомашёси томошабинларда, айниқса, катта таассурот уйғотди.

Кўргазма доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда Буюк Ипак йўли тарихи, унинг Шарқ ва Ғарб ўртасидаги иқтисодий ҳамда маданий-маърифий алоқалар тараққиётида тутган ўрни ва бугунги аҳамияти мавзуларида маърузалар ўқилди.

ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли ташкилотлар мутахассисларининг фикрича, 2020 йилга бориб Буюк Ипак йўли сайёҳларнинг энг севимли йўналишларидан бирига айланади. Шу маънода бой маданий ва маънавий мерос, қадимий дурдоналарга эга бўлган Ўзбекистон япон туристларининг янада серқатнов гўшасига айланиши эътироф этилмоқда.

***"Германия-Ўзбекистон" жамияти таркиб топганига ўн йил тўлди. Ушбу айём муносабати билан Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонасида ташкил этилган тантанали кечага бундестаг депутатлари, федерал муассасаларнинг масъул ходимлари, ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари, журналистлар ташриф буюришди.***

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ

"Германия-Ўзбекистон" жамияти президенти, немис парламенти депутати Вольф Бауэр ўз нутқида ГФР Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади. Бу борада жамиятнинг келгусидаги фаолияти икки мамлакат ўртасидаги маданий ва иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини ҳал этиш, Ўзбекистонда юз бераётган жараёнлар ҳақида немис ишбилармонлари ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакилларини кенг воқиф этиш мақсадини кўзлайди.

ГФР мудофаа вазирлигининг давлат котиби Хнас Вагнер Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик аксарият халқаро масалалар юзасидан муштарак қарашларга асосланганини қайд этди. Унинг фикрича, икки мамлакатнинг терроризмга қарши курашдаги ҳамкорлиги алоҳида эътиборга молик. Кечада сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, жамиятнинг сермаҳсул фаолияти икки томонлама муносабатларнинг юксак даражада эканининг ёрқин далилидир.

Таниқли немис меъмори Филип Мойзернинг Ўзбекистондаги қадимий ва замонавий меъморчилик тарихига доир қизиқарли тақдимоти ҳамда ёрқин маданий дастур кеча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**"Жаҳон" ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.**

*Спорт*

## ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ КЎПАЙДИ

***Шу кунгача халқаро мусобақаларда қатнашиб ғолибликни қўлга киритган саккиз нафар боксчимиз Греция пойтахти Афина шаҳрида бўладиган ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш шарафига муяссар бўлишганди. Сўнгги олинган маълумотларга қараганда Афина йўлланмаси эгаларининг сони яна биттага кўпайди.***

Покистонда бокс бўйича Афина шаҳрида ўтадиган олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда минтақамизнинг энг кучли чарм қўлқоп усталари қатори мамлакатимизнинг уч нафар боксчилари — Отабек Мамажонов, Жаҳонгир Сувонқулов ва Ўткирбек Ҳайдаровлар ҳам иштирок этиб, ғолиб бўлиш ниятида рингга кўтарилишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўз вазн тоифасида Жаҳонгир Сувонқулов дастлабки баҳсдаёқ енгилди. Отабек Мамажонов икки учрашувда ғалаба қозонган бўлсада, ҳал қилувчи жангларда рақибларидан кучсизроқ эканлигини билдириб қўйди. Турнир беллашувларининг барчасини кўтаринки руҳда ўтказган Ўткирбек Ҳайдаровга финалда рўбарў келган туркманистонлик чарм қўлқоп устаси баҳсни давом эттиришдан бош тортганлиги сабабли ҳакамлар уни мағлубиятга учраган деб ҳисоблашди. Ўз вазн тоифасида ғолиб деб топилган Ўткирбек Ҳайдаров Афина йўлланмасини қўлга киритди.

## УНИВЕРСИТЕТ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИ — ҒОЛИБ

***Андижон вилоятида талабалар ўртасида волейбол бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Унда мамлакатимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 8 жамоа иштирок этиб ярим финалга Тошкент Давлат педагогика университети, Андижон Давлат университети, Қорақалпоқ ҳамда Термиз Давлат университетлари етиб келишди. Муросасиз, қизиқарли кечган мусобақалар якунида биринчи ўринни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети жамоаси эгаллаган бўлса, Андижон Давлат университети жамоасига иккинчи, Қорақалпоқ Давлат университети волейболчиларига учинчи ўринлар насиб этди. Пойтахтликлар жамоаси аъзоси Абдулбоқий Мадумаров биринчиликнинг «Энг яхши ҳужумчиси» деб эътироф этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 7 декабрдаги 539-сонли қарори, Республика Ички ишлар вазирлиги ЙҲХББ иш режасига ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 1998 йил 17 мартдаги 121-ф сонли фармойиши талабларини бажариш мақсадида шаҳримизда 1 майдан 30 майгача «Диққат, темир йўл кесишмаси» тадбири ўтказилмоқда.***

# ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари, темир йўл кесишмалари мавжуд бўлган вазирлик, корхона ҳамда ташкилот раҳбарларига темир йўл кесишмаларида содир этилиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда кўмаклашиш ҳамда темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигига раҳна солувчи камчиликларни бартараф этишдан иборат. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 68 та темир йўл кесишмалари мавжуд бўлиб, жумладан «Ўзбекистон темир йўллари давлат акциядорлик компаниясига қарашлиси 20 та. Шулардан қўриқланадиган 8 та, техник воситалари билан тартибга солувчи, яъни йўлчироқлар билан жиҳозланганi 8 та ҳамда жамоат транспорти ўтувчи кесишмаларнинг сони 12 тани ташкил қилади.

Шунингдек, бошқа корхона ва ташкилотларга тегишли 48 та темир йўл кесишмаси мавжуд бўлиб, шулардан қўриқланадигани 3 та, йўлчироқлар билан жиҳозланган йўқ, қолган 45 таси йўл белгилари билан тартибга солиниб 21 та кесишмадан жамоат транспортлари ўтади. Тошкент шаҳар Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан мавжуд темир йўл кесишмаларининг баҳорги ва кузги мавсумий қўриклари тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда.

Бу йилги баҳорги мавсумий қўрикда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАКка тегишли 2 та ҳамда корхона-ташкилотларга қарашли 8 та темир йўл кесишмаларида ҳаракат хавфсизлигига раҳна солувчи камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликларига ҳамда уларнинг юқори ташкилотларига 12 та тақдимномалар киритилди. Шу билан бирга ҳар битта темир йўл кесишмасига ЙҲХБ ЙПХ бригадаси ходимлари биркитирилиб улар томонидан махсус рейдлар ташкил қилинмоқда. Амалга оширилаётган ишлар натижасида темир йўл кесишмаларида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилмади. Бу тадбир биргина ЙҲХБ ва темир йўл кесишмаларига эга бўлган корхона-ташкилотлар ходимлари вазифаси бўлиб қолмасдан, зеро, балки унда кенг жамоатчилик фаол иштирок этса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки темир йўл кесишмасида содир этилган ЙТҲ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари. Ушбу темир йўл кесишмаси тадбирида фаол иштирок этайлик, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилайлик. Йўл қоидаси умр фойдаси, деб бежиз айтилмайди.

**Қўзивой ЯНГАБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Йўл ҳаракати хавфсизлиги**
**бошқармаси тарғибот-ташвиқот**
**бўлинмаси бошлиғи,**
**милиция подполковниги**

*Шифокор огоҳлантиради*

# ЎТКИР ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИНГ

***Ўткир ичак инфекциялари — энг кўп тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади, бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда айниқса кўп учрайди. Шуни таъкидлаш керакки, ёш болалар кўпроқ касалланади, чунки болалар организмида ҳимоя кучлари ҳали бир қадар ожизроқ бўлади ва улар гигиена қоидаларига етарлича риоя қилмайдилар.***

Ўткир ичак касаллигига чалинган кишининг бадани зирқирайди, дармони қурийди, иштаҳаси йўқолади, қорнида оғриқ пайдо бўлади, боши оғрийди, тана ҳарорати кўтарилади, айрим ҳолларда қусиш, тез-тез ич кетиши кузатилади.

Ўткир ичак инфекциялари ёз-куз мавсумида кўп учрашига сабаб, бу фаслларда касалликнинг юқиши ва тарқалиши учун қулай шароит туғилади.

Биз бу касалликни қайси микроблар келтириб чиқариши, уларнинг турлари, клиникаси ҳақида тўхталиб ўтмай, балки хасталикнинг олдини олиш ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Юқумли ичак касаллигининг олдини олиш учун қуйидагиларга амал қилиш жоиздир.

• Шахсий гигиена қоидаларига пухта риоя қилиш, қўлнинг тозалигига алоҳида эътибор бериш зарур. Овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб ювиш лозим, чунки юқумли ичак касалликлари ифлос қўллардан юқадиган касалликлар деб бекорга айтилмайди.

• Мева-сабзавотларни водопровод сувига ювгандан кейингина ишлатинг.

• Турмушда ва корхонада санитария қоидаларига риоя қилиш, ахлат ва чиқиндиларнинг йиғилиб қолишига, ҳожатхоналарнинг ифлосланишига йўл қўймаслик керак.

• Бозор расталаридан хўл мева ва сабзавотларни харид қилиш пайтида уларни тўғридан-тўғри истеъмол қилманг.

• Сут ва сут маҳсулотларидан сақлаш муддатига эътибор берган ҳолда фойдаланинг.

• Уй шароитида тайёрлаб, бозорларда сотилаётган озиқ-овқат ва тайёр таомларни харид қилишда эҳтиёт бўлинг, чунки уларнинг кўпи тез бузилувчандир (ҳасип, хоним, норин, қандолат ва торт маҳсулотлари).

• Санитария талаб ва қоидаларига зид равишда бозорларда, бекатларда, аҳоли гавжум жойларда сотилаётган айрон, қимиз, ўрик шарбати ва бошқа ичимликларни истеъмол қилманг.

• Уй шароитида санитария ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш билан бир қаторда пашшаларга қарши курашишни ҳам унутманг.

Касаллик белгилари пайдо бўлганда дарҳол врачга мурожаат қилинг.

Ўз-ўзингизни даволашга уринманг, чунки ўткир юқумли ичак касалликлари асоратлари билан хавфлидир.

**Баҳодир УМАРОВ,**
**Бектемир тумани Давлат**
**санитария эпидемиология**
**назорати маркази**
**бош врачи**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ОЛИЙ ИНЖЕНЕРЛИК ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ БЎШ (ВАКАНТ) ЛАВОЗИМЛАР УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

1. Инженерлик педагогика ва амалий психология кафедраси бўйича:
— кафедра мудири (педагогика) — фан номзоди, доцент-1;
— катта ўқитувчи (психология)-1;
2. Компьютер технологиялари ва коммуникациялари кафедраси бўйича:
— кафедра мудири — фан номзоди, доцент-1;
— фан номзоди, доцент-1;
3. Замонавий материаллар, технологиялар ва ускуналар кафедраси бўйича:
— кафедра мудири — фан доктори, профессор-1;
— фан доктори, профессор-1;
4. Энергетика, автоматика ва радиотелеқурилмалар кафедраси бўйича:
— кафедра мудири — фан номзоди, профессор-1;
— фан номзоди, доцент-1;
5. Умуммуҳандислик фанлари кафедраси бўйича:
— кафедра мудири — фан номзоди, доцент-1;
— профессор-1;

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:**
**— ариза;**
**— шахсий варақа (сўровнома);**
**— 2 дона сурат;**
**— илмий ишлар рўйхати;**
**— дипломлардан нусхалар;**

**Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.**
**Манзил: Тошкент -700174. Талабалар кўчаси, 91.**
**Тел: 46-87-38, 46-18-05.**

*«Меҳрли савдо» давлат корхонаси 2004 йилнинг III чорагида қуйидаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказилишини маълум қилади:*
*— шакар;*
*— сарёғ;*
*— музлатилган 1 тоифали мол гўшти.*

*Тендер таклифларини қабул қилиш ва тендер ҳужжатларини бериш ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади:*

***Тошкент шаҳри, 700000, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15, факс 137-14-92.***

*Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2004 йил 17 июнь, соат 17.00 гача.*

*Танлов асосида қуйидагиларни харид қиламиз:*
*— Ҳар хил турдаги дуккаклилар, жумладан:*
*гуруч, нўхот, перловка, гречка, сўк, ловия, мош;*
*— қишлоқ хўжалик маҳсулотлари;*
*— ўсимлик мойларидаги балиқ консервалари;*
*— мева ва сабзавот консервалари.*





**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4273 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-607. 1 2 3 4 6